



Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Каттақўرғон шаҳри, Амр Темуր кўчаси, 4 уй. тел.: (036645) 6-25-13 факс.: (036645) 6-10-01

2019 у.г. «27» Март

№ 622-15

Каттақўрғон ш. – г. Каттакурған

Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун Каттақўрғон шаҳридаги ер участкасини доимий фойдаланишга бериш мақсадида “Е-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали сотишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3677 сонли қарори, 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5552 сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “YER ELEKTRON” тизимидан олинган Вазирлар Маҳкамасининг 493-сонли қарори низомининг 1-боб 3-бандида кўрсатиб ўтилган ваколатли органлар ва ташкилотларнинг хулоса ва келишувларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун 1718406-ZU/13236-рақамли бўш ер участкасини доимий фойдаланишга бериш мақсадида “Е-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали сотишга рухсат берилсин.

2. “Е-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали сотишга қўйилган ер участкасининг параметрлари қуйидагича кўрсатиб ўтилсин:

а)	Бўш ер участкасининг ўзига хос рақами	1718406-ZU/13236
б)	Бўш ер участкасининг жойлашган манзили	Каттақўрғон шаҳар Гўзалкент маҳалласи Маҳтумкули кўчаси
в)	Бўш ер участкасининг майдони (гектарда)	0,02 га